

Ishonch

2019 йил 22 август • пайшанба • № 102 (4231)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТДАН МАМНУНЛИГИНИ КЎРИШ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ижроси билан таништи, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 20-21 август кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Президентимиз раислигида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон ҳар томонлама ривожлантириш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңеси ва Вазирлар Кеңаши, шаҳар ва туманлари сектор раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.

Ийгилишда барча ҳудудларда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам ижобий сифат ўзгаришларига эришилгани таъкидланди. Биринчи ярим йилликда ялпи ҳудудий маҳсулот 7,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,4 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 45 фоизга ўсган.

Президентимиз ҳудудда ҳали муаммолар кўплигини, sanoatни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича ишлар етарли эмаслигини таъкидлади.

Бу ерга қарасак учун эмас, ишлаш учун, халқимизнинг кўзига қараш учун келдим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Дунёқарашини ўзгартирмаган сектор раҳбарлари беғимизга қишан. Ишга кирган битта хотин-қизнинг бахтини тасаввур қиласизларми? Ешларни ким етаклайди, уларга тўғри йўналиш беради? Мўйноқ мисолида кўрдиларингиз. Одамларнинг кўзларида «қилса бўлар экан-ку», деган нур бор. Лекин энди бу тарих. Ҳамма туманларда шундай ўзгаришлар қилиш керак.

Биринчи ярим йилликда Қорақалпоғистонда sanoat ишлаб чиқариш ҳажми атиги 0,5 фоизга ўсгани, Тактақўпир, Шуманай, Нукус, Чимбой, Тўртқўл, Кеғейли туманларида sanoat деярли йўқлиги танқид қилинди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик ривожини ҳам сўст.

Охири уч йилда туб ислохотлар натижасида кўплаб соҳаларни эркинлаштирдик, уларнинг ривожига халокат берган чекловларни бекор қилдик. Қорақалпоғистонда ҳам ҳар бир сектор раҳбари чекловларни бекор қилмаган, тадбиркорга хизмат қилмаган, деган қонда, шор билан ишлаши керак, — деди Президент.

Йиғилишда Қорақалпоғистонни янада тараққий эттириш бўйича бешта устувор йўналиш белгиланди.

Биринчиси — sanoatни ривожлантириш, барча тармоқларда йи-

рик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишдан иборат.

Иккинчи устувор йўналиш тадбиркорлик жадал ривожланиши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашдир.

Қишлоқ хўжалигида илғор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш учинчи устувор йўналиш этиб белгиланди.

Туртинчиси — ишлаб чиқариш ва одамлар учун қўлай бўлган замонавий инфратузилмани яратиш.

Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш эса бешинчи устувор йўналиш сифатида эълон қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳар бир йўналишда назарда тутилган масалаларга алоҳида тўхталиб, улар бўйича фаол ишлаш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзинга хос хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг турли соҳаларга ихтисослаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Жумладан, Қораўзақ тумани қурилиш материаллари, Беруний, Хўжайли, Нукус туманлари мева-сабзавотчилик, Тактақўпир чорвачилик, Шуманай паррандачилик, Эликкальа узумчилик ва туризм, Мўйноқ балиқчилик ва чорвачилик, Кеғейли чорвачилик, қизилмияни қайта ишлаш ва қоғоз sanoati, Қанлиқўл тумани дуккакли эканлар ва шоли етиштиришга ихтисослаштирилиши қайд этилди.

Қўнғирот туманини нефть-кимё sanoati ва чорвачиликка, Чимбойни қизилмияни етиштириш ва қайта ишлашга, Тўртқўлни шимша, ойна ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, Амударё туманини боғдорчилик, тўқимачилик ва пиллачиликка, Нукус шаҳрини эса фармацевтика ва электротехникага ихтисослаштириб, Тахиташ туманини sanoat ишлаб чиқариш ҳудудига айлантириш мақсада мувофиқлиги таъкидланди.

Йиғилишда сектор раҳбарлари Президентимиз берган топшириқларни бажариш, ўз ҳудудига ваъзятини яхшилаш, қўтилган натижага эришиш бўйича кафолат берди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Қорақалпоғистонга ташрифи доирасида мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига кўтаришда, энг аввало, салоҳиятли янги авлод кадрларини тайёрлаш зарурлиги, бунинг учун юртимизнинг ҳар бир ҳудудига биттадан янги тилдаги таълим муассасалари — Президент мактаблари ташкил этилишини таъкидлаган эди.

Президентимизнинг жорий йил 20 февралда «Президент мактабларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида Президент мактаблари мамлакатнинг барча ҳудудларида босқичма-босқич ташкил этилмоқда.

Айни пайтда Нукус, Наманган, Хива ва Тошкент шаҳарларида Президент мактаблари қурилиши жадал давом этмоқда.

Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳридаги Президент мактабига амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетига тегишли ҳудудда қурилаётган ушбу таълим муассасасига жорий йилнинг март ойида тамал тоши қўйилган. Икки гектар ҳудудда замонавий ўқув биноси, ётоқхона, ошхона, стадион қуришмоқда.

Президент мактабларини ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига иқтисодий ёшларни аниқлаш ва уларнинг ривожланишига зарур шароитлар яратишдир. Энг қобилиятли ўқувчилар танлаб олинди ва мактабларда ешларга математика, физика, кимё, биология ва ахборот технологиялари ҳамда хорижий тиллар илғор таълим услулари асосида чуқур ўргатилади.

Шу билан бирга, мактабларга малакали хорижлик ва маҳаллий педагоглар жалб этилади. Уларнинг фаолият юритиши учун керакли шароитлар яратилади.

Мазкур мактабларда ўқув жараёни хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари бўйича инглиз тилида амалга оширилади ва «STEAM-таълим» (Science — табиий фанлар, Technology — технология, Engineering — техник ижодкорлик, Art — санъат, Mathematics — математика) дастури асосида олиб борилади.

Президент мактабларининг 9-11-синфларида таълим олиш ўқувчиларнинг қизиқишига қўра айрим фанни танлаш ва уларни ўрганиш даражасини инобатга олган ҳолда индивидуал ўқув жараёни асосида амалга оширилади.

Мактаб битирувчилари белгиланган тартибда давлат томо-

нидан тасдиқланган шаходатнома, аттестат билан бир қаторда, халқаро даражадаги тегишли дастур дипломи (International Baccalaureate, Advanced Placement ёки International Advanced Levels)га эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, хорижий олий ўқув юртиларига кириш имконини беради.

Президент мактабларига қабул имтиҳонлари Кембриж университетининг Cambridge Assessment International Education бренди остида фаолият юритувчи Имтиҳон кеңаши томонидан амалга оширилади.

Нукусдаги Президент мактабига ўқишга 7 мингдан ортиқ ўқувчи ҳужжат топширган эди, улар орасидан энг иқтисодли 144 ўқувчи ўқишга қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларга алоҳида тўхталиб, Президент мактаблари юртимизда таълим сифатини оширувчи лоқомив бўлишини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев мактабнинг биноси ҳам, матирифати ҳам муқамал бўлиши кераклигини, шунинг учун уни шомасдан, сифатли қуриб, Конституция байрамидан фойдаланишга топшириш зарурлигини таъкидлади. Унчага ўқувчилар бошқа бинода ўқиб туради.

Давлатимиз раҳбари мазкур билки даргоҳи учун педагоглар қандай танланганлиги билан қизиқди.

— Бу мактабларнинг ўқитувчиси ҳам, ўқувчиси ҳам энг намунали бўлиши лозим, — деди Президент. — Чуқур билим билан бирга маънавият, ватанпарварлик туйғуси ҳам синдирилиши зарур. Бу ерга билки болалар келиши учун ҳар бир туманда базавий боғча ва мактаблар шаклланиши лозим. Шунда умумий билим, савия, таълим муҳити ўзгаради.

Шу ерда Президентимизга Нукус шаҳри бош тарҳи, «Нукус сити» қурилиши режалаштирилаётган ҳудуд ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Тахиташ туманидаги «Мадед Ботир» фермер хўжалиги даласида ўза ривожини кўздан кечирди.

Ушбу хўжалиқнинг жами ери 110 гектар бўлиб, 60 гектаридан пахта етиштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дала агро-техникасидаги камчиликларни кўрсатиб, пахта пишшини тезлаштириш, ҳосилга ҳосил қўиши бўйича ўз тавсияларини берди. Қишлоқ хўжалигида илм-фандан кенг фойдаланиш, Қорақалпоғистоннинг иқлимига мос навлар яратиш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Тахиташ ис-сиклик электр станциясида қуввати 230-280 мегаватт бўлган иккита буғ-

газ қурилмасини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаси билан танишди.

Тахиташ ис-сиклик электр станцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини узлуқсиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида барпо этилаётган йирик иншоотдир. Бу ерда буғ-газ қурилмасининг биринчи навбати жорий йил охиригача, худди шундай иккинчи қурилма кейинги йил январь ойида ишга туширилади.

Корея Республикасининг «Hyundai Engineering Co. Ltd.» ва «Hyundai Engineering & Construction Co. Ltd.» компаниялари ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 678,2 миллион долларни ташкил этади.

Иккита буғ-газ қурилмаси ишга туширилиши натижасида станциянинг умумий қуввати 730 мегаваттдан 1003 мегаваттга ошади. Йилга 488,6 миллион куб метр табиий газ тежаланишига эришилади. Шунингдек, йиллик сув сарфи 293 миллион куб метрга камаяди. 100 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Айни пайтда иншоотда 85 фойда ишлар бажарилган. Қурилиш-монтаж, ускуналарни ўрнатиш ишлари давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари буғ-газ ускунаси қурилишини кўздан кечирди. Мазкур янги қувватларни барпо этишда иштирок этаётган корейлик мутахассислар билан суҳбатлашди.

— Мамлакатимиз энергетика хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни амалга оширишимиз. Sanoatни ривожлантириш борасида катта марра олганмиз, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этишимиз. Булар учун, аввало, мустаҳкам инфра-тузилма керак. Таллимаржон, Навоий, Тўрақўрғон, Тахиташ ис-сиклик электр станциялари модернизация қилиниб, қувватлари оширилаётгани ана шундай асос бўлади. Аҳолини, корхоналарни электр энергияси билан барқарор таъминлайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Президентимизга Устюрт минтақасида нефть ва газ захираларини аниқлаш бўйича ҳали борилаётган геология-қидирув ишларининг ҳолати ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шу билан Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Алоуддин ГАҒФОРОВ, Умар АСРОРОВ ўза махсус муҳбирлари



ЎЗБЕКИСТОН

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлиминининг оқватланиши ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиб тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

«Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» ҳукумат қарори қабул қилинди.

«Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» ҳукумат қарори қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва Хитой Халқ Республикаси Бош бошхона бошқармаси ўртасида Ўзбекистондан Хитойга ачиқ қалампир экспорт қилиш бўйича фитосанитария талаблари тўғрисида Баённома имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов 20 август кунини Тўрақўрғон туманида наманганлик бир гуруҳ тадбиркорларни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов 20 август кунини Тўрақўрғон туманида наманганлик бир гуруҳ тадбиркорларни қабул қилди.

Россия ва Хитой АҚШ-нинг ўрта масофадаги ракеталарини ишлаб чиқариш ва жойлаштириш режалари туфайли БМТ Хавфсизлик йиғилишини қақтиртди. Учрашув 22 августда бўлиб ўтади.

Молдовада ноқонуний миграция тармоғи фош этилди. У Осиё давлатлари фуқароларига сохта ҳужжатлар билан Европа иттифоқи чегарасини кесиби ўтишда ёрдам бериб келган. 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган хорижий фуқаролар Бангладеш Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикасидан экани айтилмоқда.

20 августда Саудия Арабистонида аёллар ва эркеклар ҳуқуқларини тенглаштирувчи қонунчиликка тузатишлар киритилди.

Италия бош вазири Жужепе Конте сенатдаги чиқишида республика президентига истезьфога чиқиш тўғрисида ариза беришини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йиғирма биринчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма биринчи ялпи мажлиси 2019 йил 23 август кунини соат 10:00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига! Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 22 август кунини соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Биносининг фойсидида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ РАИСИНИНГ АХБОРОТИ

Бугун валюта биржасидаги савдоларда сўм алмашув курсининг 2,76 фоизга пасайиши кузатилди. Бу ҳолат Марказий банк томонидан биржа савдоларида валюта курсини 0,5 фоизлик тебраниш чегараларини бекор қилиш борасидаги қароридан сўнг ву-жудга келди.

Марказий банкнинг бу қарори, энг аввало, биржа савдоларида валюта курсининг эркин, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шаклланишига қаратилган. Бошқача қилиб айтганда, амалдаги алмашув курсининг шаклланиш механизми, яъни тебраниш чегараларидаги кунлик 0,5 фоизлик чекловлар, валюта маблағларини биржада сотувчиларнинг иқтисодий манфаатларига мос келмаётганлигини кўрсатди.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ – ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

Барчамизни битта байроқ бирлаштириши лозим

Инсонийликни белгилловчи энг муҳим омиллардан бири — маънавият, бири — маърифат. Таъбир жоиз бўлса, бу тушунчаларни қушнинг икки қанотиға менг-заш мумкин.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билки, гуҳари шарифроқ йўқ андин.

Ҳазрат Навоийнинг бу таърифида сўз маъноси ҳам ушбу тушунчаларга берилган таъриф эди, назаримизда.

Аммо инсониятнинг тобора юксалаётган «парвози»да бир таҳдид кўринмоқда. Бу уни қўкка кўтарайтган «қанотлар»ни унуттирдир.

Бугун жамятда учраётган кўплаб муаммоларнинг илдизига боқсангиз, ана шу «унутишлар»ни кўрасиз. Энг хавфлиси, уларнинг эпидемиядек тарқалиши...

Агар биз бугун маънавий таҳдидларга қарши ўзимизда иммунитет ҳосил қилмас эканмиз, келажак авлодни бу бўҳронлардан асрай олмаймиз.

Ҳўш, бунинг учун нималар қилмоқ керак? Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Алишер ҚОДИРОВ билан суҳбат давомиди ана шу долзарб са-



волга жавоб излади. — Гапнинг очиги, ҳаётда маънавий та-назуул ва маърифатсизлик намуналарини кузатмоқдамиз. Мана, масалан, яқинда ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган ҳолат — Асакадаги бозорда аёл кишининг «томоша»си. Ёки кунда-кунора кўраётганимиз туғилган кун, тўйларда қаққётган «янги» удулар... Сиз

кўп йилдан буён соҳада ишлаётган му-тахассис сифатида улар ниманинг ҳо-сласи деб ўйлайсиз?

— Бу, менинг наздимда, янгилашиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даври билан боғлиқ. Тараққиёт ҳеч қачон салбий ҳолатларсиз, қўтилмаган оғриқларсиз бўлмаган. Аммо улар жуда тез ўтиб кетади. Қолаверса, бу фақатгина бизнинг мамла-катимизга хос эмас. Ҳозирда бутун дунёда инсоннинг маънавий қиёфаси муаммоси пайдо бўлди. Дунёнинг энг ривожланган давлатлари ҳам, ҳар қанча тараққий эт-ган бўлишига қарамай, бу муаммони ени-гишда баъзан оғизлик қилмоқда. Муаммо илдизи эса инсониятнинг туганмас мо-дий эҳтиёжлари (нафсининг) оғиб бори-шидадир. Ана шу нафс йўлида баъзан ин-сонийликнинг чегарасидан чиқиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Буни ижтимоий тармоқлардаги «Эркинлик — чексиз, чега-расиз, уни бўғиш инсон ҳуқуқларини оёқ ости қилишдир» қабилидаги фикр (пост) лар ва уларни қўллаб-қувватловчи нишон (лайк)лар ҳам исботлаб турибди.

— Ҳўш, бу муаммо бутун дунёда мав-жуд экан, биз қандай йўл тутишимиз ке-рак?

Муҳокама

Жорий йилнинг июль ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, депутатлар ҳуқуқий жиҳатдан маъқуллаган ва Қонунчилик палатасининг қарорига мувофиқ қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган эди. Қонун лойиҳасини маромига етказишда аҳолининг муносабатини ўрганиш, фикр-мулоҳазалари ва таклифларини олиш мақсадига лойиҳа матни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг веб-сайтларида жойлаштирилди. Бундан ташқари, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида чоп этилди. Кўплаб таклифлар билдириляётгани инobatга олиниб, эндиликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Тошкент, Самарқанд, Навоий вилоятларида бўлиб ўтган муҳокама йўғилишларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли идора ва ташкилотлар вакиллари, касаба уюшма фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Уларда кўпдан-кўп таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Мукаммал қонун — тараққиёт асоси

БАРЧАГА БИРДЕК ЭЪТИБОР

Камол ШОДИМЕТОВ,
Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати:

– Муддатли меҳнат муносабатларини тартибга солиш керак. Содда қилиб айтганда, мардикорчилик билан шуғулланаётганларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари, меҳнат муҳофазаси таъминланишига эътибор қаратиш лозим.

СОДДА ВА АНИҚ БЎЛСИН...

Анвар ЗОКИРОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент тумани кенгаши раиси:

– Қонун лойиҳасининг ўзбекча матнидаги стилистик ва орфографик хатоларни тузатиш керак. Унда русча вариантдаги кўплаб моддалар сўзма-сўз ёки хато таржима қилинган. Натихада маъно бузилишларига йўл қўйилган. Хуллас, юзга келган номуносивликни тўғри-лаш зарур.

«ҚУРУЛТОЙ»МИ ЁКИ «СЪЕЗД»?
Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ,

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ангрэн шаҳар кенгаши раиси:

– Лойиҳанинг 10-моддасидаги «қурултой» сўзи қолдирилиб, «съезд» сўзи олиб ташланиши мақсадга мувофиқ. Қолаверса, касаба уюшмаларининг вазифа ва мажбуриятлари бошланғичдан тортиб то бирлашма, федерацияга қадар аниқ ҳамда лўнда ифодаланиши керак.

СОЛИҚ ИМТИЁЗИ БЕЛГИЛАНСА...

Абдуманноб МУРУВВАТОВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари касаба уюшмаси Бўка тумани кенгаши раиси:

– Қонун лойиҳасининг 27-моддасига «касаба уюшмаларида жамоатчилик асосида ишляётган ходимларнинг иш ҳақи (2-3 энг кам ойлик иш ҳақи) амалдаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилади» деб кўшимча киритиш зарур.

МУДДАТ ҚАНИ?

Учқун АХМЕДОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

– Янги қонун лойиҳасининг 46-моддасида «Жамоатчилик эшитиуви» деб номланган меъёр ўз аксини топган. Унда белгиланишича, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари фаолиятига тааллуқли, жамоат аҳамиятига молик бўлган ёхуд ходимлар ёки умуман корхонанинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йўғилиш жамоатчилик эшитиуви ҳисобланади. Лекин ушбу моддада унинг муддати кўрсатилмаган. Шу боис жамоатчилик эшитиувининг аниқ муддати белгиланишини таклиф қиламан.



ПАЛАТАДА ВАКИЛ БЎЛИШИ ШАРТ
Чори ҚОДИРОВ,

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудури:

– Ходимларни бахтсиз ҳодисалардан ҳимоялаш комиссияларида бошланғич касаба уюшмаларининг иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис қонун лойиҳасига ушбу масалани янада аниқроқ ва кенгроқ ас эътирвчи меъёрлар киритиш зарур. Бундан ташқари, Олий Мажлис-Қонунчилик палатасида касаба уюшмаларининг доимий ишляйдиган вакили бўлиши лозим.

АНИҚЛИК ДАРКОР

Абдужабборхон НАРЗУЛЛАЕВ,

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Пайариқ тумани кенгаши раиси:

– Қонун лойиҳаси билан танишиб, баъзи мулоҳазаларимни баён этишни лозим топдим. Жумладан, 47-моддага аниқлик киритилиши керак. Жамоатчилик мониторингинг объектиси бу модданинг охириги хатбошиси қуйидагича: «Жамоатчилик мониторингининг ташкилотчиси жамоатчилик мониторингининг объектиси, уни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисида ахборотни олдиндан жамоатчиликка эълон қилади». Ушбу хатбошининг охириги қатори «... тўғрисидаги ахборотни мониторинг ўтказилишидан камида бир ой олдин жамоатчиликка эълон қилади», дея ўзгартирилса, қолаверса, муддати аниқ белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ҚАНДАЙ ҚАРАМЛИҚДА БЎЛИШИ МУМКИН?

Улуғбек ҒАНИЕВ,
Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудури:

– Мукаммал, пухта ишланган қонунларгина тараққиётга ҳам, жамият ҳаётига ҳам узоқ йиллар хизмат қилади. Шу боис мазкур қонундаги ҳар бир жумлага синчковлик билан эътибор қаратиш даркор. 50-моддада бироз ғализлик бордек. Касаба уюшмалари инспекцияларини ташкил этиш, меҳнат муносабатларида жамоат назорати таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

Аммо, ушбу модданинг охириги хатбошисида «Касаба уюшмаларининг инспекторлари иш берувчига мансаб ёки бошқа қарамликда бўлиши мумкин эмас», дейилган. Барчада ушбу ҳолат бўйича савол туғилиши табиий. Қайси иш берувчига ва қандай қарамликда бўлиши мумкин? Изоҳталаб ҳолат. Менимча ушбу жумла «Касаба уюшмаларининг инспекторлари мустақил бўлиб, ушбу қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари буйсунган ҳолатда фаолият юритади» тарзида баён этилиши керак.

2-МОДДАГА ТАКЛИФ

Ғолибжон РУСТАМОВ,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

– Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ифода этган моддага қуйидагича ўзгартириш киритиш лозим: «Касаба уюшмаларини тузиш, уларнинг фаолиятлари, ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлаш, касаба уюшмаларини иш берувчилар, давлат, нодавлат, шу жумладан, хорижий ва халқаро нодавлат ташкилотлари билан касаба уюшмаларининг ижтимоий-меҳнат муносабатлари масалалари бўйича ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришда иштирок этиши ушбу Қонун билан тартибга солинмаган ҳолларда, бундай муносабатларга меҳнат тўғрисидаги қонунчилик нормалари қўлланилади» жумласидаги «иш берувчилар ташкилоти» иборасига қонунчиликда аниқ қонуний ва ҳуқуқий статус берилиши лозим.

Сабаб. Бош келишувда савдо-саноат палатаси иш берувчиларнинг уюшмаси сифатида эътироф этилган бўлса-да, тадбиркорлар манфаатининг ифода этиб келмоқда. Амалда эса барча иш берувчилар манфаатини палата ифода эта олмаслиги кўриниб қолаётди.

ФАРЗАНДЛАР-ЧИ?..

Дилбар МУСТАФОҚУЛОВА,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси:

– Касаба уюшмалари муносабатлари тартибда ҳам қатор ўзгаришларни кузатиш мумкин. Жумладан, қонуннинг 59-моддасида касаба уюшмалари билан иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, ижро ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар бобида ходимларни ижтимоий сўғурталаш, соғломлаштириш, дам олдириш ва бошқа бир қатор имтиёзлар акс этган. Ушбу модданинг иккинчи хатбошига «Ишловчи ходимларнинг фарзандларини соғломлаштириш» жумласи киритилишини жоиз деб ҳисоблайман.

ОЧИЛМАГАН ЖИҲАТЛАР


Аъзам ИСОҚОВ,

Касаба уюшмаси фахрийси:

– Қонуннинг 49-моддасида «поликлиника» жумласи тор маънода қўлланилган. Ушбуни кенг қамровли, пурмаъно матнга алмаштириш лозим. Қолаверса, 54-модданинг охириги 4-хатбошидаги ҳамда 64-моддада белгиланган жавобгарлик тушунчаси тўлиқ очиб берилмаган.

«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди

Касаба уюшмалари – болаларга!



Тошкент вилояти

Акция доирасида

«Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Касаба уюшмалари – болаларга!» акцияси доирасида спартакиада ўтказилди.

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган спартакиада болалар мергантик, бадминтон, сузиш, шашка каби спорт турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

– Оромгоҳимизда касаба уюшмалари томонидан кўплаб мусобақалар, тадбирлар ўтказилади, – дейди И.Нурметов. – Охириги навбат ёпилиши арафасида бир

қатор дам олувчилар мусобақаларда фаол қатнашиб, ғолиб бўлишди.

Ғолибларга Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳноза АҲМЕДОВА,
Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича масъулчиси



Навоий вилояти

Китоб – менинг дўстим

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Навоийазот» АЖ тасарруфидаги «Офтобжон» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Китоб – менинг дўстим» викторинаси ўтказилди.

Унда қатнашган болалар ўртасида ташкил этилган савол-жавоблар қизиқарли баҳс-мунозараларга айлиниб кетди.

Фаол иштирок этганлар касаба уюшма кўмитаси томонидан фахрий ёрлик ва китоблар тўплами билан рағбатлантирилди.

Шавкат ТОИРОВ,

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича масъулчиси



Фарғона вилояти

Бор бўл, оқибат!

Меҳрга йўғрилган йўқлов

Давлатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Учқўприк тумани кенгаши вакиллари ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бор оила вакиллари хонадонларига ташриф буюриб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тўпламини топширишди.

– Касаба уюшмаларининг бу йўқловидан кўнглим тоғдек кўтарилди, – дейди «Тожиқ» маҳалласида яшовчи I гуруҳ ногирони Эркинжон Рўзमतов. – Гап фақат совға-саломда эмас, балки меҳр-оқибатда. Мени шунчалик эслаб келган бу азиз инсонларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

– Ҳар бир байрам олдида касаба уюшма вакиллари ҳолимиздан хабар оли-

шади, – дейди I гуруҳ ногирони Нодирахон Йўлдошева. – Улар оиламиз учун яқин қариндошдек бўлиб кетишган.

Бу каби тадбирлар барча туман ва шаҳарларда ўтказилди.

Лолахон АҲМЕДОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Қашқадарь вилояти

Семинарлар

Мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди

Косон педагогика иқтисодиёт коллежида «Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва бу борадаги халқаро қонун, ҳуқуқ нормалари» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

У Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамда туман бандликка кўмаклашиш маркази ташаббуси билан ташкил этилиб, унда туман халқ таълими ва мактабгача таълим бўлимлари ходимлари, мактабгача таълим ташкилоти мудирлари, мактаб директорлари ҳамда таянч бошланғич касаба уюшма кўмиталари раислари иштирок этди.

Семинар иштирокчилари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 349-сонли қарори, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган мажбурий меҳнат, болалар ва аёллар меҳнатига йўл қўймаслик тўғрисидаги 29-, 105-, 138- ва 182-сонли конвенциялари мазмун-моҳияти билан таништирилди.

Ўқув-семинарнинг иккинчи қисми ама-

лий машғулот тарзида кечди. Бунда иш берувчилар билан ходимлар ўртасида мажбурий меҳнат бўйича вужудга келаётган низоли ҳолатлар муассасалар кесимида аниқ мисоллар асосида таҳлил этилди. Ушбу низоли ҳолатлар мажбурий меҳнат ҳолатини келтириб чиқарувчи 12 та индикатор таҳлили орқали таснифланди. Иш берувчилар фаолиятига баҳо берилди.

Иштирокчилар ташкилот ва муассасаларда мажбурий меҳнат ҳолатини келтириб чиқарувчи индикаторлардан бири аниқланган тақдирда ходимлар мажбурий меҳнатга жалб қилинган ҳисобланиши, айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишди.

Озода ДЎСТМУРОДОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Косон тумани кенгаши раиси



Бухоро вилояти

Фаоллар машварати

Ромитан туманида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти тармоқ тизими ҳамда Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан ҳамкорликда «Касаба уюшмалари аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолларининг асосий вазифалари» мавзусида фаолларнинг сайёр семинари бўлиб ўтди.

Унда «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоий шерикликнинг роли», «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнат муҳофазаси борасидаги фаолиятнинг қонуний асослари. Жамоат назоратини ташкил этишнинг аҳамияти», «Ходимларни соғломлаштиришда касаба уюшма ва ижтимоий сўғурта маблағларидан мақсадли ва оқилона фой-

даланиш» ва «Бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолиятини самарали ташкил этиш усуллари. Иш юритиш ҳужжатлари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан муфассал жавоб олдилар.

Мамлакат РАҲМОНОВА,
Ромитан тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ РАИСИНИНГ АХБОРОТИ

41 Албатта, миллий валюта – сўмнинг қадрсизланиши кўпчилиги қайси бир маънода ташвиш солиши мумкин. Бироқ, Марказий банкнинг валюта бозоридаги ушбу қадами объектив иқтисодий зарурат бўлиб ҳисобланади.

Одий қилиб айтганда, АҚШ доллари нархи ҳам бошқа товарлар нархи сингари бозорда шаклланади, унинг нархини сотувчи билан оловчи белгилайди. Утган ойдаги, ўтган ҳафтадаги ёки кечаги доллар нархи ҳам бозорда сотувчиларни қолдиқтирмади, бунга иккинчи томон – доллар оловчилар бозори бўлиши ва натижада бугунги курс шаклланди.

Назарий жиҳатдан Марказий банк алмашув курсини маълум даражада барқарор ушлаш туриши ҳам мумкин. Бироқ, бундай ёндашув бозор тамойиллариغا мослашаётган мамлакатнинг иқтисодий муносабатларига салбий таъсир кўрсатиши ва охири оқибатда, ушбу ҳолатдан кўпроқ йўқотилади ёки алмашув курсининг анада кескин даражада қадрсизланиши ҳисобига чиқишига тўғри келади.

Сўнгги даврларда рўй бераётган глобал иқтисодий ўзгаришлар, савдо муносабатларидаги тангликнинг ёки «можаро»ларнинг кучайиб бориши, йирик иқтисодиётга эга бўлган давлатлар иқтисодий ўсишидаги секинлаштирилган ҳалқаро молия бозорларида миллий валюталар қадрсизланиши тенденциясининг кучайишига олиб келмоқда.

Миллий валютанинг қадрсизланиш ҳолати ташқи савдо соҳасида Ўзбекистоннинг асосий ҳамкорлари ҳисобланган давлатларда ҳам кузатилаётган.

Бундай ҳолат, ўз навбатида, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларнинг ташқи ва ички бозорларда «қимматлашувига» ёки рақобатбардошлигининг пасайишига таъсир кўрсатмоқда.

Шу ўринда, алмашув курсига таъсир қилувчи омиллар таҳлилига ўтишдан олдин қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш зарур.

Марказий банк ички валюта бозорида алмашув курсининг бозор тамойиллари асосида шаклланишига таъсир кўрсатмасдан ишторок этишига ҳаракат қилмоқда. Курсни ҳар доим бозор белгилайди. Марказий банк фаол аралашадиган бўлса, бозор мувозанатини бузиб қўяди ва бу салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Марказий банк валюта курсини бозорда, яъни бозорда сотувчининг ҳам, сотиб оловчининг ҳам маънафатларига мос келадиган тарзда шаклланиши тарафдори. Шунда, бозор иқтисодиёти қонунлари ишлайди.

Марказий банк, албатта, ички валюта бозорида доим қатнашиб келади ва ишлаб чиқарувчилардан сотиб олган олтин қўймага тенг миқдорда валютани сотади.

Бошқача айтганда, иқтисодиётдан олинган валютани ўзига қайтариб беради. Агар савдо охирида кимнингдир бозорга олиб чиққан валютасига харидор чиқмаса, кун давомида шаклланган ўртача курсда Марказий банк сотиб олади.

Хусусан, 2018 йилда 3,6 млрд. доллар миқдорда олтин ишлаб чиқарилган шарафда Марказий банкнинг ички валюта бозорига интервенциялари ҳажми 3,2 млрд. долларни ташкил қилди.

Бу амалиёт алмашув курсининг бозор шартлари асосида шаклланишига таъсир кўрсатмайди. Буни мамлакатнинг олтин-валюта захиралари ўзгаришида ҳам кўриш мумкин.

Алмашув курсининг охириги икки йил давомида шаклланиши қуйидаги ташқи ва ички омиллар таъсирида вужудга келди.

Биринчидан, глобал иқтисодиётда кузатилаётган ҳалқаро савдо алоқаларидаги қарама-қаршиликлар, келишмовчиликлар (конфликтлар);

Йирик давлатларда протекционизм (ички бозорни ҳимоялаш) кайфиятининг кучайиши

АҚШ томонидан айрим йирик давлатларга нисбатан ҳалқаро савдо алоқаларида чекловлар (санкциялар) киритилиши; ҳалқаро иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини секинлаштириш билан бирга, кўпчилик давлатларнинг молия бозорлари ва уларнинг миллий валюталари алмашув курсларининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, сўнгги икки йилда АҚШ доллари нисбатан евро 6,9 фоизга, фунт стерлинг 7,1 фоизга ва юань 7,6 фоизга қадрсизланди. Мазкур даврда доллар индекси (долларнинг дунёнинг йирик 6 та валютага нисбатан ўзгариши) 6,6 фоизга ўсди.

ХВФнинг сўнгги йили қилган Хитой мотларига кўра, 2019 йил якунига Хитой иқтисодиёти ўсиши 6,2 фоизгача (2018 йил 6,6%), Европа давлатлари иқтисодиёти 1,3 фоизгача (2018 йил 1,9%), бунда Германия иқтисодиёти 0,7 фоизгача (2018 йил 1,4%) Россия иқтисодиёти 1,2 фоизгача (2018 йил 2,3%) секинлаштириш кутилмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида дунё мамлакатлари иқтисодиёти бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ. Ташқи дунё иқтисодиётида бўлаётган ўзгаришлар Ўзбекистонга таъсир қилмайди, дейиш ноўрин. Ўзбекистон дунё иқтисодиётининг кичик бир бўлаги, бошқа давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар орқали узвий боғлиқ. Фақат жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётига дарҳол ёки маълум бир вақтдан (даврдан) сўнг таъсир қилиши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари бўлган давлатларда ҳам кузатилаётган.

2017 йил 1 сентябрдан 2019 йил 19 августгача бўлган даврда рублнинг алмашув курси 15,1 фоизга, қозоқ тенгеси 14,5 фоизга қадрсизланган бўлса, сўм алмашув курсининг девальвацияси 11,9 фоизни ташкил қилди.

Сўм девальвация суръатининг ортда қолиши миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорларда рақобатбардошлиги пасайишига олиб келмоқда.

Одатда, миллий валюта девальвациясига нисбатан паст даражадаги инфляцияга эга бўлган давлатлар иқтисодий рақобатбардошликни сақлаб қолади.

Бироқ, солиштирма таҳлиллар шунини кўрсатадики, сўнгги икки йил ичида асосий савдо шериклари иқтисодиётига нисбатан, Ўзбекистондаги паст даражадаги девальвация ва юқори даражадаги инфляция кузатилиши, ўзбек маҳсулотларининг Россия бозорларида ўртача 25 фоизга, Қозоғистонда 20 фоизга, Хитойда 21 фоизга, Туркияда 42 фоизга ва Кореяда 24 фоизга рақобатбардошлигининг пасайишига сабаб бўлди.

Ўш аксинча, ушбу мамлакатлар маҳсулотлари бизнинг бозорда шунчага арзонлашди ва табиийки, уларга бўлган талаб ортди.

Охириги икки йилда сўмнинг алмашув курси нисбатан барқарор бўлишининг асосий сабабларидан бири – аҳоли томонидан валюта сиеватининг эркинлаштиришдан сўнг катта миқдорда валюта маблағларининг банкларга сотилиши билан изоҳланади. Хусусан, 2017-2018 йилларда банкларга 3,5 млрд. доллар сотилди (соф сотиб олинган қисми 2,5 млрд. доллар).

Ушбу омил Ўзбекистонда инфляция даражаси нисбатан юқори бўлишига қарамадан, миллий валюта курсининг деярли

барқарор туришига хизмат қилди.

Иккинчидан, сўм алмашув курси қадрсизланишига ички омиллар таъсири ҳам инкор этиб бўлмайди.

Охириги икки ойда (курс ошиши тезлаша бошлагандан сўнг) интернетда, ижтимоий тармоқларда кўпблогерлар, иқтисодий таҳлилчилар ўз фикрларини билдиришди. Иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар миқдори кўпчилиги, бюджет харажатлари охири кетаётганлигини эътироф этишди.

Албатта, бу фикрларда ҳам жон бор, лекин бошқа томондан Ўзбекистонда ўтган йилларда ҳаммага маълум бўлган «ёпиқ эшиклар» сиевати ва бозор иқтисодиётига ўтишдаги чекловлар натижасида иқтисодиётда хусусий бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши учун молиявий ресурслардан фойдаланишига етарли шaroит яратиб берилмаган эди.

Натижада, иқтисодиётда инвестицион чалқоқлик йиғилиб қолган эди. Бугун мамлакатда тадбиркорлик кайфияти ва инвестицион фаоллик юқори. Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳалқимиз бугун яхши яшашни хоҳлайди. Ўзбекистонда ҳалқ учун зарур бўлган болалар боғчаси, мактаб, касалхонани бугун қуриш керак, бугун йўللари таъмирлашимиз, кўприклар қуришимиз, уй-жой фондими кенгайтиришимиз керак.

Буларнинг барчаси учун маблағ керак ва барчаси ижтимоий жиҳатдан ўта муҳим ва ҳалқ учун асосий (элементар) шaroитларни яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш демакдир.

Давлат ресурслари ҳисобидан ажратилган кредитлар жойларда тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилаётган бўлса, бюджет харажатлари қўшимча солиқ тушумлари ҳисобидан амалга ошириб келинмоқда.

Албатта, бу ўринда ажратилган кредитларнинг самарали ва мақсадли ишлатилиши шундан келажакда (ўрта муддатли истиқболда) ички ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига бозорлардаги нарх-навога ва миллий валюта қадрига ҳам ижобий таъсири салмоқли бўлади.

Интернет тармоқларида айрим иқтисодий таҳлилчиларнинг Ўзбекистонда пул массаси ошиб кетяпти, Марказий банк пулни эмиссия қилиб, кредит берапти, деган фикрлари учраб турибди. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, бу фикрларда мутлақо асос йўқ. Марказий банк бирор бир банкка ёки Ҳукуматга кредит ажратмайди. Буни Марказий банк сайтида ҳар ой чоп қилинадиган пул-кредит кўрсаткичлари таркибидан ҳам билиб олиш мумкин.

ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИДАГИ ҲОЛАТ

Умуман олганда, импорт ўсишини қўллаб-қувватловчи ички ва ташқи омилларнинг биргаликдаги таъсири ички валюта бозоридаги ҳолат ва алмашув курси динамикасига сезиларли таъсир қўради.

Хусусан, жорий йилнинг июль ойида валютага бўлган талаб йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ўртача ойлик ҳажми билан таққослаганда 34 фоизга ошиб, 1,36 млрд. долларни ташкил этди.

Талабнинг ортишига таъсир этувчи омиллардан яна бири сифатида, 2019 йил 1 октябрдан боғжона тўловлари бўйича имтиёزلарнинг бекор қилинишини келтириш мумкин. Боғжона имтиёзларига эга бўлган субъектларнинг импорт қилинадиган ҳомиш ва маҳсулотларни имтиёзлардан фойдаланган ҳолда захиралаб қўйиш истагининг кучайиши кузатилаётган.

Натижада, жорий йил июль ойининг иккинчи яримдан бошлаб, айниқса, ав-

густ ойида сўм курси тез суръатларда қадрсизлана бошлади. Хусусан, жорий йил август ойининг дастлабки 19 кунинда АҚШ долларининг биржа курси сўмга нисбатан 4,8 фоизга (1 АҚШ доллари 8 714 сўмдан 9 129 сўмга) ошди.

ИМПОРТ ТЎҒРИСИДА

Юқорида санаб ўтилган сабаб ва омиллар таъсирида иқтисодиётда импортга ва пировардида валютага талаб ошмоқда. Шу ўринда импортнинг ошишини ҳам табиий жараён деб баҳолаш мумкин. Иқтисодиётимизда техник ва технологик янгилаш жараёни кузатилаётган.

Бугунги очик бозор шaroитида албатта импортга қизиқиш ошади. Чунки, иқтисодий ҳажми кенгаймоқда, инвестицион фаоллик юқори ва иқтисодиётда даромадлар ошиши кузатилаётган.

Импорт таркибини, таҳлил қилинса, 53-56 фоиздан ортиги ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асосий воситалар ва ҳомиш ташкил этади. Импортнинг бундай таркиби келажакда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга замин яратяди.

ИНФЛЯЦИЯ ҲАҚИДА

Алмашув курси ўзгаришининг энг оғриқли жиҳати, бу унинг ички нархларга таъсири. Курс ўзгаришининг, албатта, нархларга таъсири бор. У нафақат истеъмол саватидаги импорт товарлари орқали, балки инфляцияни кутималарнинг ўзгариши орқали ҳам инфляцияга таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг айрим соҳаларида импорт ҳомиш ва асбоб-ускуналарга қилинган харажатлар улуши юқорилиги инфляциянинг маълум даражада кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ички нархлар барқарорлигини таъминлаш Марказий банкнинг асосий вазифаси, буни яхши англаб туришимиз.

Бу борада Марказий банкда кўп мунозаралар бўлди, чет эл тажрибали ўрганиб чиқилди. Инфляцияни пасайтириш учун курсни ўзгартирмадан ушлаб туриш келажакда бугунгидан-да оғирроқ оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳақли савол тўғрисида, курс ошаётган бўлса, маълум бир истеъмол товарлари импорт қилинса, қандай қилиб инфляцияни пасайтириш ёки ошишдан тўхтатиш имкони мавжуд?

– Бунинг энг тўғри йўли иқтисодиётда рақобат ва инвестицион эркинликни ошириш. Бошқача қилиб айтганда, босқичма-босқич ҳам ташқи савдога, ҳам ички бозорда монополиядан, коррупциядан қутулса, инвестицион жозибдорликни оширсак, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўқсинлик қилмасдан қўллаб-қувватласак, ички бозордаги вужудга келадиган соғлом рақобат иқтисодиётнинг инфляция хуружидан чиқиб кетишига замин бўлади.

Марказий банк Ҳукумат билан биргаликда инфляцияни жиловланишнинг барча чораларини кўрмоқда.

Хусусан:
– кредитларнинг ўсиш суръатларининг иқтисодиёт ўсиш суръатига мос равишда бўлишини;
– давлат бюджетининг мувозанатлилигини таъминлаш;

– фюз ставкаларининг бозор тамойилларига мос бўлишини таъминлаш орқали иқтисодиётда жамғариш кайфияти ва жамғаримлар қадрини сақлаб қолиш;
– иқтисодиётдаги долларлашуу даражасини пасайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

ЎЗА

«Ishonch»га жавоб берадилар

Газетанинг шу йил 11 июль куниндаги сонида чоп этилган «Майдабудага муаммолар» сарлавҳали мақолага Қашқадарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидагича жавоб хати йўллади:

Қурилиш ишлари яқунланмоқда

«Обод қишлоқ» дастурига асосан компания буюртмачилигида Косон туманидаги «Майдабу» МФИда 2 та умумтаълим мактаби, тиббиёт иншооти ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини биносидан қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Айни пайтда тиббиёт иншооти (фавқуллода тиббий ёрдам станцияси)



Майдабудага муаммолар
фойдаланишга топширилди. 16- ва 58-сонли мактаб биноларидаги капитал таъмирлаш ишлари яқунланмоқда.

Компания директори **А.Нормўминов**

Эълон

Аукцион савдолари хабарномаси! «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти очик аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдолари Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

I. 2019 йил 24 сентябрь кунини соат 11:00 да ташкил қилинадиган аукцион савдоларига «NEFTGAZQURILISHTA» АЖнинг 16.05.2019 йилдаги 6/АЖ-232-сонли буюртмаҳатига асосан «NEFTGAZQURILISHTA» АЖга қарашли «4-сон Қурилиш монтаж бошқармаси» унитар корхонаси ҳисобидаги, Бухоро вилояти, Қогон тумани, «Янгиҳаёт» ҚФЙ, Амиробод кўрғони худудида жойлашган, умумий ер майдони 17000,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 2474,9 кв.метрдан иборат бўлган бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 1 516 292 000 (бир миллиард беш юз ўн олти миллион икки юз тўқсон икки минг) сўм.
2019 йил 24 сентябрь кунини аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 1 октябр ва 8 октябр кунлари ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 24 сентябрь кунини соат 11:00 да ташкил қилинади, 2019 йил 1 октябр кунини соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00дан 14:00 гача тушлик)

II. 2019 йил 24 сентябрь кунини соат 12:00да ташкил қилинадиган савдоларга АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Гала-Осиё филиалининг 20.08.2019 йилдаги 01-1761-сонли буюртмаҳатига асосан АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Гала-Осиё филиали ҳисобидаги, Бухоро вилояти, Бухоро тумани, Гала-Осиё шаҳри, Бухоро шоҳкўчаси 54-уйда жойлашган, умумий ер майдони 464,49 кв.метр, қурилиш ости майдони 464,49 кв.метрдан иборат бўлган маъмурий биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 190 040 000 (Бир юз тўқсон миллион қирк минг) сўм.
2019 йил 24 сентябрь кунини аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 1-, 8-, 15-, 22-ҳафта 29 октябр кунлари ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 24 сентябрь кунини соат 11:00 да ташкил қилинади, 2019 йил 1 октябр кунини соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик)

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққати!
Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган мuddатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:
– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлаш;
– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;
– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашуви ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тулови учун реквизитлар: «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 302118823, МФО: 00111, банк: АТБ «Турон банк» Бухоро вилояти филиали, х/р: 20208000704953182001.
«Аукцион ташкилотчиси» – «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават).
Тел.: +998 90 298-92-61. E-mail: mauzatak@mail.ru

Лицензия № RR-0117

«MAKS SIFAT» МЧЖга «CROSS STROY» МЧЖ, «GLOBAL IMPEKS NUR» МЧЖ, «SIFAT QURILISH» МЧЖ ва «SARDOR BUILDING» МЧЖлари қўшилиши муносабати билан «MAKS SIFAT» МЧЖ «CROSS STROY» МЧЖ, «GLOBAL IMPEKS IMUR» МЧЖ, «SIFAT QURILISH» МЧЖ ва «SARDOR BUILDING» МЧЖларининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ташкент вилояти Қирғай тумани ҳокимлигидан 29.09.2014 йилда №3624 рақам билан рўйхатдан ўтган «SUN GATE INTERNATIONAL» МЧЖ (СТИР: 303059359) Устав фонди 968 931 000,00 сўмдан 168 931 000,00 сўмга камайганини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси жамоаси бошқарма тасарруфидаги «Ўзбекистон» АЖ бош директори Талъат Абиджановга онаси
Матлуба АБИДЖАНОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



ДТМ: Имтиҳон натижалари нега эълон қилинмади?

ёш абитуриент 14, энг ёши каттаси 87 ёшни ташкил этди.

ҚАТНАША ОЛМАГАНЛАРИНГ ПУЛИ ҚАЙТАРИЛАДИМИ?

Бу йил тест синовларида 24 930 нафар абитуриент турли сабабларга кўра қатнашмаган.

Ҳўш, уларнинг тақдирини нима бўлади? Бу саволга ДТМ маркази вакиллари шундай жавоб берди:

– Қатнашмаган абитуриентларнинг 15 миңига яқини имтиҳонга келмаган, қолганлари эса айрим сабаблар билан кечиккан. Уларнинг тўлаган пули қайтарилиши ҳақида ҳали аниқ бир гап айта олмаيمиз. Абитуриент имтиҳонга қатнашмаган бўлса-да унга шaroит ҳозирланган. Хусусан, жой, имтиҳон дафтраси, рўқча ва бошқалар...

Қонда бузгани сабабли 465 нафар абитуриент тест синовларидан четлаштирилган. Қолаверса, 20 дан ортиқ назоратчи ҳам ўз вазифасини бузганлиги туфайли тестдан четлатилган.

АПЕЛЛЯЦИЯ БЕРИШ БОШЛАНДИ

– Тест синовлари натижасидан норози бўлган абитуриентлар 21 августдан 30 августгача (белгиланган иш вақтига мувофиқ) бўлган мuddатда апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикоятини бериш ҳуқуқига эга, – дейди ДТМ бош бошқарма бошлиғи Дийёрбек Қўчқоров. – Шундан сўнг абитуриентга хабар-

нома юборилиши, бунда у хабарномада белгиланган кунда паспорти ва абитуриент рухсатномаси билан келиши шарт.

ҚАЙТА ТЕСТ КИМЛАР УЧУН?

Шу йилнинг 19 август кунини ДТМ маркази томонидан тестга қира олмаган айрим абитуриентлар учун тест синовлари ўтказилган. Аммо бу ҳақда ҳеч қаерда расман эълон қилинмагани кўпчиликда шубҳа ва гумонларни кўпайтирган, шубҳасиз.

– Ушбу имтиҳон операторларнинг айби билан, техник хатолик туфайли тестга қира олмаган айрим абитуриентлар учун ўтказилди, – дейилди матбуот анжуманида. – Уни ота-оналар онлайн тарзда кузатиш имкониятига эга бўлди.

ҲАМОН АНИҚ ЭМАС

Тадбирда, барча кутган янгилик – тест натижалари эълон қилинишининг аниқ вақти айтилмади.
ДТМ бош бошқарма бошлиғи Барно Ражабов нима учун жорий йилда маънафат кечикаётганига изоҳ бераркан, бу йил ҳар бир абитуриент бир пайтда учта олий ўқув юртига ҳужжат топшириши илк марта йўлга қўйилгани ва шу боис ҳам маънафат тест натижалари яқунланганидан сўнг бир ҳафта ичида эълон қилинишини таъкидлади.



Ватан манзумаси

Халима ХУДОБЕРДИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири

Чексанг улуғ бир дард чек

Ватан, кўрдим тўнингниң сузилиб турган ерин, Шун кўриб кўнглимниң бузилиб турган ери...

Тўнни сузилган ерин ямамоқ лозим бўлар, Майли, қаҳратон қишим ёки ўт ёзим бўлар...

Сен қишлоқда ранг-рўйи сариқ онамсан асли, Ҳорғин онам, хокисор, ориқ онамсан асли...

Ҳар ким ўзимса, аввал онасини кийдирсин, Ўзига эмас, аввал онасига шай турсин...

Чексанг улуғ бир дард чек, шу тан кетмаси учун, Милтираб турган шу шам, шу шаън кетмаси учун...



Блогерлар бурчаги

Онғ остидаги тушунча ғолиблиги

Кўпинча матбуотда ёшларимиз одобсиз, бетгаочлар бўлиб бораётгани ҳақида ёзилади...



Шарофиддин Тулаганов

Газеталарда яхшиликни тарғиб қилувчи мақолалар кўпроқ берилиши керак. Чунки, қандайдир фикрни шакллантиришда мана шу каби мақолаларнинг ўрни катта...

Танқид ёзиш осон, аммо эзгулик ва яхшиликни тарғиб қилувчи мақолалар ёзиш қийин иш. Журналистлар «танқидий мақола ёзди, кўриб қўйинлар», деб кўкрак кержанларидан кўра...

«1 – Бу муаммо инсоният яралганидан буюн бор. Аммо аждодларимиз ҳар доим унга қарши воситани топа олган...

– Дарҳақиқат, бугун ҳаммамиз виртуал оламда яшаймиз. Ижтимоий тармоқлар фикр ва мулоҳазалар майдонига айланди...

– Албатта, шундай қатлам мавжуд. У эса ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолмаган. Улар «эркинлик нима ўзи?» деган саволга...

Бугун ахборот қуролга айланган улгурганлигини тан олмасликнинг иложи йўқ. Буни яқин ва йироқ мамлакатлар ҳаёти мисолида ҳам кўриб турибмиз...

тириб чиқаришга уринади. Агар ёш авлод маънавиятини, маърифатини юксалтирмас эканмиз, бу курашда ғолиб бўлишимиз қийин кечади...

Маънавият ва маърифат – тараққиёт қаноти

бунда ижтимоий тармоқларнинг катта ҳиссаси бор. Қайси ахборот тўғри, қайси бири ҳолис, қайси биринчи ахборот, ажратишга ҳаракат қилмай, бирваракайга қабул қилинмоқда...

– Айни шу жиҳат хатарлидир. Ахборотни таҳлил қилмайдиган қатламни бошқариш жуда осон. Шу ўринда «ахборот истеъмол қилиш пирамидаси» деган тушунчага мутахассисларни ўз ишидан чалғитиб, бошқа вазифаларни бажартиришга жалб қилди...

очиши ва фаол бўлиши, атайлаб ташланаётган постларга оддий ва содда жавоб қайтариш орқали ўзининг тўғри позициясини шакллантириши лозим...

– Биз мактабни «маърифат ўчоғи» деб атаймиз. Аслида эса мактаб маънавият ўчоғи ҳам бўлиши лозим. Ҳозирги мактабларга нисбатан бундай фикрларни айта оламизми?...

мумкинлигини англаганимиз, энг катта хатоларимиздан эди...

«Оғриқ тишлар»...

кучайтиришига эмас, уларнинг баъзан ишламаслигидир. Мана масалан, «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг бандларида кўча-кўйдаги пештахталарга, аввало, ўзбек тилида, кейин зуруратга қараб бошқа тилда ёзилиши мумкинлиги айтиб ўтилган...

Бир сўз билан айтсак, жамиятнинг маънавий соғломлигида уйғоқ кучлар ҳамиша бир сафда бўлиши асосий шартдир. Маънавият таназзулига қарши курашда барчамизни битта байроқ бирлаштириб туриши лозим...

Хусан ЭРМАТОВ сўзбатлашди.

ЎЛИМДАН СЎНГ... УЙҒОНИШ

ёхуд истироҳат боғларидаги аттракционларда «учиш» қачон хавфсиз бўлади?

ВОҚЕА. Шу йилнинг 28 июнь куни Жиззах шаҳридаги Маданият ва истироҳат боғида аттракционнинг кулаб тушиши оқибатида бир неча киши тан жароҳати олди...

САВОЛЛАР. Истироҳат боғларидаги аттракционларнинг сифати, соғлиғи меъёрий талабларга жавоб берадими? Улар кунлик техник кўрик ва йиллик синовдан ўтказилдими?...

НОХУШЛИК ҲУШЁР ТОРТИРДИМИ? Жиззахдаги ўша машъум воқеадан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги мавжуд аттракционлар давлат назоратидан ўтказилди...

ҚАЙ ҲУДУДА «ҚИЗИЛ КАРТОЧКА» КЎП? Тадбирда ўрганишлар давомида амалга оширилган бир қатор ишлар ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, 450 та аттракцион вақтинчалик ишлатмаслик тўғрисида огоҳлантириш берилган...

БАҲОЛАР ҚОНИҚАРЛИ ЭМАС Тадбир давомидаги савол-жавоблардан маълум бўлдики, республикамиздаги бирорта ҳам истироҳат боғига ижобий баҳо бериб бўлмайди...

ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДАМИ? Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ўтказилган текширувлар натижасида аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, келгусида болалар, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига бир қатор таклифлар киритган...

Матбуот анжуманидан қайтар эканман, хавфдан бир фикр ўтди: истироҳат боғлари ва дам олиш масканларида шунча кўп муаммо ва камчиликлар бор экан, нега улар олдинроқ назорат қилинмади, нима учун улар ҳолати ўрганилмади?...

Матбуот анжуманидан қайтар эканман, хавфдан бир фикр ўтди: истироҳат боғлари ва дам олиш масканларида шунча кўп муаммо ва камчиликлар бор экан, нега улар олдинроқ назорат қилинмади, нима учун улар ҳолати ўрганилмади?...

Матбуот анжуманидан қайтар эканман, хавфдан бир фикр ўтди: истироҳат боғлари ва дам олиш масканларида шунча кўп муаммо ва камчиликлар бор экан, нега улар олдинроқ назорат қилинмади, нима учун улар ҳолати ўрганилмади?...

Матбуот анжуманидан қайтар эканман, хавфдан бир фикр ўтди: истироҳат боғлари ва дам олиш масканларида шунча кўп муаммо ва камчиликлар бор экан, нега улар олдинроқ назорат қилинмади, нима учун улар ҳолати ўрганилмади?...

Алижон АБДУРАҲМОНОВ, «ISHONCH»

Муассис: O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Хусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69. Хўққ ва халқроқ ҳаёт – (71) 256-52-89.

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бўхоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Хўдудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон – (+998-99) 889-90-23.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов. Муссаҳиҳ: З. Исмоилов. Саҳифаловчи: Ҳ. Абдуҷалилов.